
“СОБИРТЕПА” МФЙДА “ОБОД ҚИШЛОҚ” ДАСТУРИ АСОСИДА МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Бешариқ туманидаги ўрганишлари давомида “Собиртепа” МФЙдаги маҳаллаларни тўлиқ айланиб чиқди. Фуқаролар билан суҳбатлашиб, уларни қийнаётган масалалар бўйича мурожаатларни эшитди.

Худудда “Обод қишлоқ” дастури асосида йўлларни таъмирлаш, асфальтлаш, сув ва ободонлаштириш билан боғлиқ барча масалалар ҳал этилиши, оилавий поликлиника таъмирланиб, тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиши маълум қилинди.

Вилоят ҳокими ташрифидан ҳурсанд бўлган маҳалла аҳли, нуронийлар Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлардан мамнун эканликларини, ўзгаришлар чекка-чекка қишлоқларда ҳам акс этаётганини қайта-қайта таъкидлашди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-01-23 16:32:06